

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**“ДАВЛАТ ҲУҚУҚИ ВА БОШҚАРУВИ”
КАФЕДРАСИ**

**Адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати
соҳасидаги ваколатлари
мавзусида ёзилган**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Бажарди: 4-курс “Давлат-
ҳуқуқий фаолият” йўналиши 2-
гуруҳ талабаси Суюнов
Шодмонбек Шоди ўғли

Илмий раҳбар: Давлат ҳуқуқи ва
бошқаруви кафедраси ўқитувчиси
Алимов Боту Бабинович

Тошкент-2017

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ.....	3
I БОБ. Адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги иштирокининг назарий-ҳуқуқий тавсифи.....	7
1.1. Ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи органлар тизимида адлия органларининг тутган ўрни ва роли.....	7
1.2. Адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги иштирокининг асосий йўналишлари ва ўзига хос жиҳатлари.....	21
1.3. Адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатларининг ҳуқуқий асослари.....	32
II БОБ. Адлия органлари томонидан ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатларини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари.....	38
2.1. Адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги қонун ижодкорлиги ва дастурларни ишлаб чиқиш ва ижро этишдаги иштироки..	38
2.2. Адлия органларининг ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш соҳасидаги иштироки.....	46
2.3. Адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлиги.....	55
ХУЛОСА.....	64
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	67

КИРИШ

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Ёшлар – жамиятнинг туб негизи, аҳолининг илғор қатлами, келажакнинг ишончли эгаларидир. Ҳар бир давр ёшларининг билим даражаси, дунёқараши, ўй-фикри, маънавий қиёфасига қараб ўша жамиятнинг эртанги кунини аниқ тасаввур этиш мумкин. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек: “Мамлакатнинг қудратини белгилайдиган омиллар кўп. Бироқ уларнинг энг асосийларидан бири шу юртда вояга етаётган юксак маънавиятли, жисмонан соғлом, ҳар томондама баркамол авлоддир. Зеро, эл-юртнинг келажаги бугун камолга етаётган ёшлар қўлида”¹.

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб ёшларга алоҳида эътибор қаратилди. Уларга ҳам жисмонан ҳам маънан соғлом бўлишлари ҳамда ўз хоҳиш-истаклари ва орзуларини рўёбга чиқаришлари учун зарур шарт-шароит яратиб бериш бошланди. Ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, давлат сиёсатининг алоҳида устувор йўналишларидан бири сифатида қаралди. Жумладан, 1991 йил 20 ноябрь куни Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун ёшларга оид давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти ва асосий йўналишларини белгилаб берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат вазифасини бажарди.

Аммо, бугунги кунда глобаллашув жараёнида шиддат билан ўзгариб бораётган ҳаёт ва турмуш-тарзи ёшларнинг ҳам дунёқаришига ва уларнинг хоҳиш-истаклари ва орзуларига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Юртбошимиз Шавкат Мирзиёв таъкидлаганларидек, “Дунё шиддат билан ўзгариб, барқарорлик ва халқларнинг мустаҳкам ривожланишига раҳна соладиган турли янги таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда маънавият ва

¹ Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Т.20. –Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – Б. 165.

маърифатга, ахлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиш, камолга етишга интилишига эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир”¹.

Шу сабабдан ҳам, 2016 йил 14 сентябрь куни Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди.

Ушбу қонун мамлакатимизда олиб борилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти ва таркибини янада такомиллаштиришга хизмат қилди. Шунингдек, ушбу қонун бугунги кунда ёшларга оид давлат сиёсатини ёшларнинг бугунги эҳтиёжлари ва талаблари ҳамда эртанги орзу-истакларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилишига ҳуқуқий замин яратди.

Ушбу қонун аввалги махсус қонундан фарқли улароқ, мазкур соҳадаги ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасалар тизими ва уларнинг ушбу соҳадаги вазифа ва ваколатларини белгилаб берди. Шу жумладан, ушбу қонунда адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи давлат органи сифатида ваколатлари белгиланди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ушбу битирув малакавий ишининг долзарблигини қуйидагича ифодалаш мумкин.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунини нормаларини самарли ижро этилиши таъминлаш мақсадида мазкур қонун нормаларини илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш ва таҳлил этиш ҳамда ушбу қонуннинг назарий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва бойитиш зарурати мавжуд.

Иккинчидан, адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи давлат органи тизимида ўзига хос ва салмоқли ўрин тутиши, адлия органларининг ушбу соҳадаги ваколатларини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташки ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи // <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-vazifasini-bazharuvchi-sha-18-10-2016>

ҳуқуқий асосларини ўрганиш ва мазкур ваколатларни самарали амалга оширилишини таъминлаш муҳим ҳисобланади.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти. Ушбу илмий тадқиқот ишининг амалий аҳамияти мазкур ишда ишлаб чиқилган амалий таклифларни адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатларига тегишли қонун ҳужжатларни такомиллаштиришда фойдаланилишида ифодаланади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва муаммолик томонлари. Ушбу илмий ишнинг илмий янгилиги адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари доираси биринчи марта алоҳида илмий тадқиқот иши сифатда тадқиқ этилиши билан изоҳланади. Шунингдек, илмий тадқиқот ишининг муаммолик томонлари адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатларини илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этиш ва назарий-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқишда ҳамда ушбу ваколатларни ўрганиш ва уларни самарали амалга оширилишини таъминлашда ифодаланиди.

Тадқиқотнинг мақсади. Илмий ишнинг мақсади адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатларининг ҳуқуқий асосларини ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳамда уларга асосланган таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари. Ушбу илмий тадқиқот иши ўз олдига қўйган мақсадни амалга оширишда қуйидаги бир қанча вазифаларга асосланади:

- ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи органлар тизимида адлия органларининг тутган ўрни ва ролини аниқлаш;

- адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги иштирокининг асосий йўналишлари белгилаб олиш ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини очиқ бериш;

- адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатларининг ҳуқуқий асосларини ёритиб бериш;

- адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги қонун ижодкорлиги ва дастурларни ишлаб чиқиш ва ижро этишдаги иштирокини очиб бериш;

- адлия органларининг ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш соҳасидаги иштироки ёритиб бериш;

- адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлигини очиб бериш.

Тадқиқот ишининг объекти. Ушбу илмий ишнинг объектини адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатларини амалга оширилиши билан боғлиқ муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқот ишининг предмети. Мазкур илмий ишланманинг предметини адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатларига тегишли қонун ҳужжатлари ва уларни ўрганиш ташкил этади.

Тадқиқот ишининг тузилиши. Илмий тадқиқот ишининг таркибий тузилиши мазмунан бир-бири билан боғланган кириш, 2 та боб, 6 та параграф, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг ҳажми 69 варақдан иборат.

I БОБ. Адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги иштирокининг назарий-ҳуқуқий тавсифи

1.1. Ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи органлар тизимида адлия органларининг тутган ўрни ва роли

Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати умумий давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Зероки, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов бу жараёни: “Бугунги кунда бир оддий ҳақиқат барчамиз учун аён бўлиши керак: олдимизда турган энг эзгу мақсадларимиз – мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам – буларнинг барча-барчаси авваламбор янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир”, — дея баҳолаган эди¹.

Дарҳақиқат ёшларнинг қай даражада камол топиши давлат ва жамият ҳаётининг эртанги куни қандай савияда бўлишини белгилаб беради. Бу инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқатдир. Шу сабадан, мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини яратиш ва уларни доимий такомиллаштириб боришга катта эътибор берилди ва бугунги кунга қадар бу борада салмоқли ишлар амалга оширилди. Бу эса мамлакатизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг босқичма босқич ва тизимли амалга оширилишини таъминлаб берди.

Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг рўёбга чиқариш борасида кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва кодексларидан ташқари, ушбу соҳага оид 24 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15 та фармони ва 11 та қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 41 та

¹ Ўзбекистонда: ёшлар сиёсати – давлат сиёсати // <http://nimfogo.uz/uz/node/1528>

қарори, давлат органлари ва ташкилотлари томонидан 32 та идоравий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган.

Шунингдек, Ўзбекистон бевосита ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган 30 дан ортиқ халқаро ҳуқуқий ҳужжатнинг иштирокчиси ҳисобланади¹.

Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати бўйича махсус қонун қонун қабул қилинган. Дастлабки қонун мустақилликнинг дастлабки йилларида 1991 йил 20 ноябрь куни Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун қабул қилингандан бошлаб 25 йил давомида мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг мазмун-моҳиятини ва асосий йўналишларини белгилаб бериди. Бироқ, вақт ўтган сари глобаллашув жараёнида интеграциялашув жараёнларини янада кенгайтиб, мамлакатимиз аҳолисининг, айниқса ёшларнинг ҳаёти ва турмуш-тарзига катта таъсир ўтказмоқда. Негаки, ёшлар янгиликка ва тараққиётга мойиллиги юқори бўлади. Ушбу ижобий ўзгаришлари билан бир қаторда миллий ўзлик ва қарашларга зид бўлган салбий одатлар ва бошқа элементларнинг ёшларга таъсир кўрсатиш ҳавфи пайдо бўлади. Ушбу масалаларга алоҳида эътибор қаратиш, бунда давлат органларининг ва фуқаролик жамияти институтиларини ўзаро ҳамкорликда фаолият юритишини таъминлаш, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширувчи тузилмаларнинг бу борадаги вазифа ва ваколатларини аниқ белгилаб қўйиш зарурати вужудга келди. Бу орқали ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишни янги босқичга кўтариш назарда тутилди.

2016 йил 14 сентябрь куни Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун ушбу соҳадаги аввалги қонундан мазмунан ва шаклан анча фарқ қилади. Жумладан, ушбу қонунда ёшларга оид давлат сиёсатини асосий йўналишлари, уларни амалга ошириш механизмлари бугунги кун

¹ Ўзбекистонда: ёшлар сиёсати – давлат сиёсати // <http://nimfogo.uz/uz/node/1528>

талабларидан келиб чиқиб белгилаб қўйилди. Мазкур қонунда мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасаларнинг тизими ва ваколатлари белгилаб қўйилди. Ушбу тизимини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари, давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари, маданият ва спорт ишлари бўйича органлар, меҳнат органлари, прокуратура органлари, ички ишлар органлари, адлия органлари, муҳофаза ишлари бўйича органлари ташкил этади¹.

Ушбу тузилмаларнинг ҳар бирининг ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш ва унда иштирок этишда қонунда белгилаб қўйилган ўз ваколатлари доираси ўзига хос ва ушбу соҳада бажарилиши зарур бўлган вазифаларни бажаради.

Мазкур қонунга мувофиқ ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатли ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширилишда асосий ўрин тутиб, асосий масъул ва жавобгар орган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида қуйидаги ваколатлари эга ҳисобланади:

ёшларга оид давлат сиёсатининг рўёбга чиқарилишини таъминлайди;

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларининг ишлаб чиқирилиши ва амалга оширилишини таъминлайди;

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати”ги қонуни // http://www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact_id=3026246.

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқади ва қабул қилади;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасаларнинг фаолиятини ўз ваколатлари доирасида мувофиқлаштиради;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришнинг боришини умумлаштириш ва таҳлил қилишни ташкил этади ҳамда уни янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар кўради;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқариш масалалари бўйича давлат органлари ва муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ҳамкорлигини таъминлайди;

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин¹.

Ушбу ваколатлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида ҳуқуқ ижодкорлиги, таҳлил-мониторинг ва назорат вазифаларини бажаради. Шу билан бир қаторда, ушбу соҳада фуқаролик жамияти институтлари ва давлат органлари, муассаса, ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни таъминлайди, шунингдек, ушбу соҳада халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Маҳаллий ҳудудларда ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилишига масъул ва жавобгар давлат органлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида қуйидаги ваколатларга эга:

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати”ги қонуни // http://www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact_id=3026246.

тегишли ҳудудда ёшларга оид давлат сиёсатининг рўёбга чиқарилишини таъминлайди;

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ҳудудий дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

тегишли ҳудудда ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи органлар ва муассасаларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришнинг самарадорлигини ошириш учун ёшларнинг эҳтиёжи мониторинги олиб борилишини ва баҳоланишини таъминлайди;

ёшларнинг бандлиги ва уларни ишга жойлаштириш сиёсати рўёбга чиқарилишини таъминлайди, меҳнат бозори ва ёш мутахассисларни ишга жойлаштириш амалиёти мониторингини ташкил этади;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин¹.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари муайян ҳудудда ушбу соҳадаги қонун нормаларини бажарилиши таъминлаш мақсадида маҳаллий дастурлар ишлаб чиқади, ҳудуд бўйича ушбу соҳани таҳлил-мониторингини амалга оширади. Ҳамда ушбу соҳада фуқаролик жамиятини институтлари, жумладан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда ёшларга оид давлат сиёсатини руёбга чиқаради.

Ушбу қонунда ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи органлар ва муассасалар тизими белгилаб қўйилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддасида таълимни давлат томонидан

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати”ги қонуни // http://www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact_id=3026246.

бошқариш органларининг ва таълим муассасаларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги қуйидаги ваколатлари белгилаб қўйилган. Унга кўра:

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

таълим сифатини оширишга, малакали кадрларни тайёрлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этади;

манфаатдор органлар ва муассасалар билан биргаликда ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари битирувчилари бандлигининг таҳлилини амалга оширади ҳамда унинг натижалари асосида таълим муассасаларида мутахассисларни тайёрлашни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

ёшларнинг таълими ва тарбияси сифатини ошириш, ўқув жараёнига таълимнинг замонавий шакллари ва усулларини жорий этиш чора-тадбирларини кўради;

таълим муассасаларида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни таъминлаш мақсадида спорт секциялари, фан, техника тўғараклари ва ижодий тўғараклар, клублар ташкил этади;

ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, шунингдек уларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга доир фаолиятда иштирок этади;

имконияти чекланган ёшларга ижтимоий-психологик ва педагогик ёрдам кўрсатади;

ёш фуқароларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш бўйича чора-тадбирлар кўради;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга

ошириши мумкин¹. Ушбу модда Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги, Халқ таълим вазирлиги, олий таълим ва ўрта-махсус, халқ таълими муассасаларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатларини белгилаб беради. Ушбу тузилмалар ёшларга таълим-тарбия беради, ёшларни иш билан бандлиги ёки таъминланишини мониторинг қилади, ёшларни ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламга кўмаклашади. Шунингдек, бу борда бошқа давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик қилади.

Ёшлар албатта маънан ҳам жисмонан соғлом бўлишлари лозим. Ёшларни соғлом бўлиши борасидаги ёшларга оид давлат сиёсатига давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органларининг ва соғлиқни сақлаш муассасалари масъул ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуннинг 11-моддасига мувофиқ давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органларининг ва соғлиқни сақлаш муассасалари ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги қуйидаги ваколатларни амалга оширадилар. Унга кўра:

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

ёшлар ўртасида санитария-гигиенага оид билимларни тарқатиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича тарғиботни ташкил этади;

ёшлар ўртасида тизимли тиббий текширувларни ташкил этади;

имконияти чекланган ёшларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

ичкиликбозликка, гиёҳвандликка, заҳарвандликка чалинган, руҳий ҳолати бузилган, юқумли касалликларга ва бошқа ижтимоий хавфли касалликларга чалинган ёш фуқароларни аниқлайди, уларни ҳисобга олишни,

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати”ги қонуни // http://www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact_id=3026246.

текширувдан ўтказишни, шунингдек тиббий-ижтимоий реабилитация қилишни ва ижтимоий мослаштиришни амалга оширади;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин¹. Ушбу тизимни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг тизимидаги турли муассасалар ташкил этади. Ушбу тузилмалар ёшларни соғлигини тизимли равишда текшириш ва даволаши, шу билан бир қаторда, ёшларни соғлом турмуш тарзига тарғиб қилиш, ёшларни турли салбий иллатлардан сақланиши бўйича турли тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширади.

Ёшларни маданиятини юксалтириш ва уларни доимий равишда спорт билан шуғулланиб боришлари таъминлаш ва шу орқали, уларни ичидан маданият ва спорт соҳасида иқтидорли ёшларни кашф этиш маданият ва спорт ишлари бўйича органларнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуннинг 12-моддасига биноан маданият ва спорт ишлари бўйича органларнинг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари қуйидагилар ҳисобланади:

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга бўлган интилишни ва спортга қизиқишни рағбатлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

ёшлар ўртасида халқ ўйинлари, миллий ва бошқа спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказилишини ташкил этади;

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати”ги қонуни // http://www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact_id=3026246.

ёшлар ўртасида бадиий ижодиётни, халқ ва ҳаваскорлик ижодиётини тарғиб қилишни амалга оширади;

ёшлар ўртасида кино, театр, мусиқа, хореография, тасвирий, цирк, халқ амалий санъатини ва эстрада санъатини ривожлантиришга, уларнинг ғоявий-бадиий ва ахлоқий савиясини оширишга кўмаклашади;

ёшлар ўртасидаги оммавий-маданий ва байрам тадбирлари ғоявий мазмун билан тўлдирилишини таъминлайди, ижодий уюшмалар ва бошқа нодавлат ноτιжорат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўяди;

ёшлар ўртасида халқаро маданий, спорт алоқаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашда, конференциялар, кўргазмалар, спорт мусобақаларини ўтказишда иштирок этади;

ижодкор ёшларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлашга кўмаклашади, уларнинг ўз иқтидори ва истеъдодини тўлақонли намоён қилиши учун зарур шарт-шароитлар яратади;

халқаро ва республика миқёсидаги ижодий сафарларнинг ташкил этилишини ҳамда маданият ва спорт соҳасида ўтказиладиган кўрикларда, танловларда, фестивалларда, бошқа тадбирларда иқтидорли ва истеъдодли ёшларнинг иштирок этишини таъминлайди;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

Маданият ва спорт ишлари бўйича органлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин¹.

Ушбу ваколатлар Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси томонидан амалга оширилади. Ушбу тузилмалар ёшларни санъат, адабиёт ва спорт билан доимий шуғулланиши, истеъдодли ёшлар учун зарур шарт-шароит яратиб бериш, уларни рағбатлантириш бўйича ишларни бажаради.

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати”ги қонуни // http://www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact_id=3026246.

Ёшларни иш билан таъминлаш ва улар ўртасида ишсизликка қарши кураш, уларни доимий бандлигини таъминлаш ёшларга оид давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Ушбу йўналиш масъул давлат органи Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуннинг 13-моддасига мувофиқ меҳнат органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари қуйидагилар ҳисобланади:

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

ёшларнинг бандлиги даражасини тизимли асосда таҳлил қилади, уларнинг бандлигини таъминлашда иштирок этади;

ёшларни касбга ўқитиш ва қайта тайёрлаш бўйича тизимни ташкил этади;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

Меҳнат органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин¹.

Меҳнат вазирлиги ва унинг тузилмалари ёшларни таълим муассасаларини битирганидан сўнг иш билан таъминлаши, уларнинг доимий бандлиги ҳолатини ўрганади ва таҳлил-мониторинг қилади ҳамда ёшларни янги касб ва мутахассисликларга қайта ўқитиш ва тайёрлаш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширади.

Ёшларни амалдаги Конституция ва қонунларни бажариб боришлари, ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка қарши кураш ҳам давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Ушбу соҳада прокуратура органлари ваколатли ҳисобланади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати”ги қонуни // http://www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact_id=3026246.

Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуннинг 14-моддасига мувофиқ прокуратура органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари қуйидагилар ҳисобланади:

ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади;

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этади;

ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва бунга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;

ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир фаолиятда иштирок этади;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

Прокуратура органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин¹.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва унинг тизимидаги тузилмалар ёшлар томонидан амалдаги қонунларни аниқ ва бир хилда бажарилишини таъминлаш, бўйича ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади.

Ёшларни ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, улар ўртасида ҳуқуқбузарликни олдини олишга яна бир масъул давлат органи ички ишлар органлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуннинг 15-моддасига биноан ички ишлар органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги қуйидаги ваколатларга эга ҳисобланади:

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати”ги қонуни // http://www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact_id=3026246.

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир фаолиятда иштирок этади;

ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва бунга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;

ёш фуқароларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини кўради;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

Ички ишлар органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин¹.

Ички ишлар органлари ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликка қарши кураш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борувчи ягона орган ҳисобланади. Ички ишлар органларининг асосий вазифаси ёшларни турли ҳуқуқбузарлик содир этишларига сабаб бўлаётган ҳолатлар ва шарт-шароитларни аниқлаб, уларни бартараф этиш ҳисобланади.

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва уларни юртимизни ҳимоячилари қилиб етиштириш мудофаа органларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ мудофаа ишлари бўйича органларнинг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари қуйидагилар ҳисобланади:

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати”ги қонуни // http://www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact_id=3026246

ёшларнинг чакирувга қадар бошланғич тайёргарлигини ташкил этишда иштирок этади;

ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга доир тадбирларда иштирок этади;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

Мудофаа ишлари бўйича органлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин¹.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва уларнинг таркибий тузилмаларининг асосий вазифаси ёшларни ҳарбий чақириққа қадар ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ҳам ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи ваколатли давлат органи сифатида ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасалар тизимида муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуннинг 16-моддасида адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари белгиланган бўлиб, ушбу ваколатлар бошқа давлат органларнинг ваколатларидан кенглиги ва ўзига хослиги билан адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи органлар тизимида тутган ўрни ва ролининг муҳимлигини белгилаб беради.

Жумладан, адлия органлари ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича махсус ваколатга эга. Адлия органлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати”ги қонуни // http://www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact_id=3026246

юзасидан таклифлар киритади. Ушбу ваколат бошқа мазкур соҳадаги давлат органлари ваколатларида учрамайди.

Шунингдек, адлия органларининг ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир фаолиятни амалга ошириши ва мувофиқлаштириши ушбу соҳадаги бошқа давлат органлари ваколатлари доирасига кирмайди. Ушбу ваколат ҳам адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи органлар тизимида адлия органларини ўзга хос ва муҳим ўрин тутишини очиб беради.

1.2. Адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги иштирокининг асосий йўналишлари ва ўзига хос жиҳатлари

Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунининг 16-моддасига мувофиқ адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида қуйидаги ваколатларни амалга оширади:

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этади;

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;

ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир фаолиятни амалга оширади ҳамда мувофиқлаштиради;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилади¹.

Ушбу ваколатларга асосланган ҳолда адлия органларини ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги иштирокининг асосий йўналишларини қуйидагича келтириб ўтиш мумкин.

а) адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти.

б) адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш фаолияти.

в) адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик фаолияти.

а) адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти.

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати”ги қонуни // http://www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact_id=3026246

Адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги иштирокининг асосий йўналишларидан бири бўлган ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти уч гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳ адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиши билан боғлиқ фаолияти.

Иккинчи гуруҳ адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги қонун ижодкорлиги жараёнида иштирок этиши билан боғлиқ фаолияти.

Учинчи гуруҳ адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиш билан боғлиқ фаолияти.

Бугунги кунда адлия органлари ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1602-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низомга асосан олиб боради.

Ушбу низомга мувофиқ адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги иштирокининг асосий йўналишларидан бири бўлган ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти соҳасида адлия органларига қуйидаги вазифаларни бажариш зимасига юклатилган:

фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишни, қонун устуворлигини таъминлашга йўналтирилган жамият ва давлат қурилиши соҳасида норма ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида ягона давлат сиёсатини изчил амалга ошириш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмаларининг норма ижодкорлиги фаолиятини тизимли таҳлил қилишни ташкиллаштириш, улар томонидан киритиладиган ёки қабул қилинадиган қонун ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонун ҳужжатларига, мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотларнинг мақсад ва вазифаларига, шунингдек қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлигини аниқлаш юзасидан ҳар томонлама экспертизани амалга ошириш; амалдаги қонун ҳужжатларида «оқ доғлар»ни, шунингдек давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимида коррупциянинг келиб чиқишига, бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилишига шароит яратаётган қоидалар ва нормаларни аниқлаш¹.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш соҳасида:

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норма ижодкорлиги масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштиради ва уларга услубий раҳбарликни амалга оширади;

норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари бўйича таклифлар ишлаб чиқади, уларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари бўйича ва ўз ташаббусига кўра қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ва уларни кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда киритади;

давлат бошқаруви органлари томонидан қонун лойиҳаларини тайёрлашнинг зарурлиги масалалари бўйича олдиндан келишишни амалга оширади;

қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини уларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонун ҳужжатларига, мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотларнинг мақсад ва вазифаларига, шунингдек қонунчилик техникаси қоидаларига

¹ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низом http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=1857300

мувофиқлигини аниқлаш юзасидан таҳлил қилади ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказди;

қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини уларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида коррупциянинг келиб чиқишига, бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилишига шароит яратиб берадиган, шунингдек тадбиркорлик субъектлари учун ортиқча маъмурий ва бошқа чекловларни жорий қиладиган қоида ва нормаларни, тадбиркорлик субъектларида асоссиз харажатларни вужудга келтирувчи қоидаларни аниқлаш юзасидан таҳлил қилади;

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмаларининг норма ижодкорлиги фаолиятини мониторинг ва таҳлил қилишни амалга оширади;

қонун ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқлаштириш, ҳуқуқий тартибга солишнинг тизимлилиги ва яхлитлигини таъминлаш, қонунчиликдаги «оқ доғлар»ни бартараф қилиш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқади, қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир таклифларни таҳлил қилади ва умумлаштиради ҳамда уларни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига тақдим қилади, қонун ҳужжатларини кодекслаштириш бўйича ишларни олиб боради;

давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бўйича услубий кўрсатмаларни тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, уларнинг кенгашлари, кўмиталари ва комиссиялари билан қонунчилик фаолиятини такомиллаштириш масалалари бўйича доимий амалий алоқада бўлади;

б) идоравий норма ижодкорлиги соҳасида:

вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказди;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган ҳужжатлар тоифасига киритиш ҳақида қарорлар қабул қилади;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрини юритади;

вазирликлар, давлат қўмиталари, идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, давлат рўйхатидан ўтказиш, эълон қилиш ва манфаатдор шахслар эътиборига етказишнинг белгиланган тартибини бажариш бўйича ишини назорат қилади;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг аҳволи тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилиб туради;

в) маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норма ижодкорлиги соҳасида:

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, эълон қилиш ва манфаатдор шахслар эътиборига етказишнинг белгиланган тартибига риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширади;

г) қонунчиликни тизимлаштириш соҳасида:

Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат ҳисобига олади ва қонун ҳужжатларини туркумлаштириш ишларини олиб боради;

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари, маҳаллий давлат ҳокимияти

органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг назорат нусхаларини юритади;

Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари банкини (фондини) шакллантиради;

Қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификаторини тасдиқлайди, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга классификатор асосида кодлар беради;

давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш қоидаларини белгилайди ва уларга риоя қилиш устидан назоратни амалга оширади;

д) адлия органлари ва муассасалари фаолияти соҳасидаги қонун ҳужжатларини қўллаш бўйича хулосалар беради¹.

Адлия органлари юқорида санаб ўтилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмалари, бошқа ташкилотлардан, шунингдек уларнинг мансабдор шахсларидан уларнинг ваколатига кирувчи масалалар юзасидан ҳужжатларни, статистика ва бошқа маълумотларни, таҳлилий материалларни, хулосалар ва бошқа ахборотларни сўраш, талаб қилиш ва олиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа давлат органлари кўриб чиқиши учун қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш масалалари бўйича белгиланган тартибда таклифлар киритиш;

вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, таълим, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотлардан қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича хулосалар олиш ҳамда кўрсатиб ўтилган органлар ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низом http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=1857300

ташкilotлар раҳбарлари билан келишган ҳолда ушбу лойиҳаларни тайёрлаш бўйича комиссиялар (ишчи гуруҳлари) ташкил этиш;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, давлат рўйхатидан ўтказиш, эълон қилиш ва манфаатдор шахслар эътиборига етказиш бўйича белгиланган тартибга риоя қилиниши юзасидан текширишлар ўтказиш;

вазирликлар, давлат қўмиталари, идораларга давлат рўйхатидан ўтмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бекор қилиш ва ижродан чақириб олиш, бузилган ҳуқуқларни тиклаш, етказилган зарарларни қоплаш тўғрисида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш, шунингдек тегишли органлар олдига бунда айбдор мансабдор шахсларни белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалани қўйиш;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг қонунга зид бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини белгиланган тартибда давлат реестридан чиқариш;

давлат бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат тузилмаларига: ушбу органларнинг норма ижодкорлиги фаолияти устидан мониторинг олиб бориш жараёнида аниқланган қонунбузарликларни бартараф этиш тўғрисида; ишлаб чиқиш муддатини кўрсатган ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш зарурлиги тўғрисида; улар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга расмий шарҳ бериш зарурлиги тўғрисида; қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бекор қилиш, ёхуд уларни қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш тўғрисида тақдимномалар киритиш;

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига риоя қилинишини текшириш. Кўрсатиб ўтилган

органларнинг раҳбарларига аниқланган қонун ҳужжатлари бузилишини, уларнинг сабабларини ҳамда бунга олиб келувчи шарт-шароитларни бартараф этиш, шунингдек инсоннинг бузилган ҳуқуқлари ва эркинликларини тиклаш чораларини кўриш тўғрисида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш¹.

б) адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш фаолияти.

Адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш фаолияти вазибалар, функциялари ва ваколатларининг умумий асослари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низомда белгилаб қўйилган. Жумладан, Адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш фаолияти юзасидан қуйидаги вазифа зиммасига юклатилган:

жамиятда аҳолининг ҳуқуқий онгини, ҳуқуқий маданиятни оширишга ва қонунийликни мустаҳкамлашга йўналтирилган давлат органлари, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий тарғибот ва маърифат соҳасидаги ишларини самарали мувофиқлаштиришни амалга ошириш².

Адлия органлари ўзига юкланган ушбу вазифани бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини ошириш, аҳолида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат руҳини, қонунга итоаткорликни шакллантириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқади;

ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълимнинг аҳолини таҳлил қилади, уларни яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

¹ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низом http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=1857300

² Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низом http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=1857300

жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни ошириш ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий билимларнинг аҳоли ўртасида тарғиб қилинишини ташкил этади;

ҳуқуқ соҳасидаги таълим ишларининг услубий жиҳатдан таъминланишини ташкил этади, ҳуқуқий тарбия ва таълимнинг замонавий шаклларини жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади;

олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг талабалари ва ўқувчилари учун юридик дарсликлар, ўқув қўлланмалари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламлари, шунингдек бошқа юридик адабиётлар нашр этиш режаларини ишлаб чиқади ва нашр этилишини ташкил этади;

жамиятни ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича дастурлар ва тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

адлия органлари ва муассасалари учун ҳуқуқий ахборотни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилишнинг дастурий-техник воситалари ва технологиялари жорий этилишини ташкил қилади;

адлия органлари ва муассасаларини зарур қонунчилик материаллари билан таъминлаш чораларини кўради;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасини яратиш ва сақлашни ташкил қилади, юридик ва жисмоний шахсларнинг ундан белгиланган тартибда фойдаланишини таъминлайди;

давлатлараро ҳуқуқий ахборотлар алмашишни амалга оширади;

кодекслар ва қонун ҳужжатлари тўпламларининг, шу жумладан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилишнинг расмий манбаи ҳисобланган «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда «Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами»нинг расмий нашр этилишини ташкил этади;

тегишли давлат бошқаруви органлари билан биргаликда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш ва тарқатиш, қонун ҳужжатлари

маълумотларининг электрон базасини яратиш қоидаларини белгилайди, уларнинг ижро этилишини таъминлаш чора-тадбирларини кўради¹.

Адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш фаолияти юзасидан қуйидаги вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмалари, бошқа ташкилотлардан, шунингдек уларнинг мансабдор шахсларидан уларнинг ваколатига кирувчи масалалар юзасидан ҳужжатларни, статистика ва бошқа маълумотларни, таҳлилий материалларни, хулосалар ва бошқа ахборотларни сўраш, талаб қилиш ва олиш;

давлат бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат тузилмаларига: ушбу органларнинг норма ижодкорлиги фаолияти устидан мониторинг олиб бориш жараёнида аниқланган қонунбузарликларни бартараф этиш тўғрисида; ишлаб чиқиш муддатини кўрсатган ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш зарурлиги тўғрисида; улар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга расмий шарҳ бериш зарурлиги тўғрисида; қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бекор қилиш, ёхуд уларни қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш тўғрисида тақдимномалар киритиш;

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига риоя қилинишини текшириш. Кўрсатиб ўтилган органларнинг раҳбарларига аниқланган қонун ҳужжатлари бузилишини, уларнинг сабабларини ҳамда бунга олиб келувчи шарт-шароитларни

¹ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низом http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=1857300

бартараф этиш, шунингдек инсоннинг бузилган ҳуқуқлари ва эркинликларини тиклаш чораларини кўриш тўғрисида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш¹.

в) адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик фаолияти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1602-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низомнинг 5-бандига мувофиқ адлия органлари ўз фаолиятини бошқа давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмалари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

Ушбу ҳамкорлик адлия органлари томонидан ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятини амалга ошириш, ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир фаолиятни амалга ошириш ва мувофиқлаштириш соҳаларида амалга оширилиш мумкин.

¹ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низом http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=1857300

1.3. Адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатларининг ҳуқуқий асослари

Адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатларининг ҳуқуқий асосларини ташкил этувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар доираси кенг бўлиб, бундай норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни хусусиятларидан келиб чиқиб икки гуруҳга бўлиб тизимлаштириш мақсадга мувофиқ.

Биринчи гуруҳ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатларининг умумий асосларини белгилаб берувчи қонун ҳужжатларини киритиш мумкин.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг кўплаб нормалари адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатларини амалга оширишининг принцип ва умумий қоидаларини белгилаб беради. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бундай нормаларига мисол тариқасида давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъуллиги (2-модда), давлат ўз фаолиятини ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга ошириши (14-модда) каби нормаларни келтириб ўтиш мумкин¹. Адлия органлари ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатларини амалга ошириш жараёнида фуқаролар, жумладан ёшлар олдида масъул эканлигини, бу борадаги фаолиятини юритишда ижтимоий адолат ва қонунийлик принципларига оғишмай амал қилишини белгилаб беради.

Адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатларининг умумий асосларини белгилаб берувчи навбатдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат бу – 2016 йил 14 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни ҳисобланади. Ушбу қонун 4 боб, 33 моддадан иборат бўлиб, у ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2015. – Б. 4, 7.

Мазкур қонуннинг 16-моддасида адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари белгилаб берилган.

Ушбу қонун аввалги 1991 йил 20 ноябрь куни Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонундан фарқ қилиб, жумладан, амалдаги қонунда ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасаларнинг тизими ва ваколатлари белгилаб қўйилди. Шунингдек, ушбу қонунда ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари бугунги кун талаблари ва ёшларнинг ҳошиш-истакларидан келиб чиққан ҳолда мустақкамлаб қўйилган. Бундан ташқари, мазкур қонунда ёшларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилишнинг замонавий тизими жорий этилди¹.

Адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатларининг умумий асосларини белгилаб берувчи қонуности ҳужжати Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1602-сон қарори ташкил этади.

Мазкур қарор адлия органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва норма ижодкорлиги фаолиятида қонунийликка қатъий риоя этилишини таъминлаш бўйича фаолияти самарадорлигини ошириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида унинг ролини кучайтириш мақсадида қабул қилинган.

Мазкур қарор билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида низом умумий асосларда адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги вазифалари тизимини, функциялари тизимини, фаолияти йўналишлари тизимини белгилаб беради. Шунингдек,

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати”ги қонуни // http://www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact_id=3026246.

адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатларини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини белгилаб беради¹.

Иккинчи гуруҳ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни ва ушбу низомга асосан, адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатларининг махсус ташкили-ҳуқуқий асосларини белгилаб берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ташкил этиб, қўйидагиларни келтириб ўтиш мумкин.

Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни адлия органларини ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги амалга оширувчи ваколатларининг хусусиятидан келиб чиқиб қўйидагича таснифлаш мумкин.

1) адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

2) адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

3) адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

1) адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қўйидагиларни келтириб ўтиш мумкин:

- Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни.

Мазкур қонун адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиши ва ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича фаолиятини ҳуқуқий асосини ташкил этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 329-модда

- Ўзбекистон Республикасининг “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги Қонуни;

Мазкур қонун адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги қонун лойиҳаларини тайёрлашдаги иштирокининг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 августдаги “Қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва ўзбекистон республикаси олий мажлисининг қонунчилик палатасига киритиш бўйича дастурларини тайёрлаш ва қабул қилиш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторинги тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 227-сон қарори ва у билан тасдиқланган “Қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш бўйича дастурларини тайёрлаш ва қабул қилиш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторинги тартиби тўғрисида”ги низом.

Мазкур низом адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасига оид қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Қонунчилик палатасига киритиш бўйича дастурларини тайёрлаш ва қабул қилиш, уларнинг ижросини мониторинг қилиш билан боғлиқ фаолиятини тартибга солади.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 17 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қонун лойиҳаларига доир фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 345-сон қарори ва у билан тасдиқланган Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қонун лойиҳаларига доир фаолиятининг Намунавий регламенти.

Ушбу қарор адлия органлари томонидан ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида бошқа давлат органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ишлаб чиққан қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва мувофиқлаштириш борасидаги фаолиятини тартибга солади.

2) адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қўйидагиларни келтириб ўтиш мумкин.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 23 июлдаги “Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 226-сон Қарорига мувофиқ Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш тўғрисидаги низом.

Мазкур низом адлия органлари томонидан ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир фаолиятини амалга ошириш ҳамда мувофиқлаштириш борасидаги фаолиятини тартибга солади.

- Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш томонидан 2013 йил 14 январлаг 2-сон қарори.

Мазкур қарор адлия органлари томонидан ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадида бошқа давлат органлари ва муассасалари билан ҳамкорликда ҳуқуқий тарғибот тадбирларига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ масалаларни тартибга солади.

3) адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни.

Мазкур қонун адлия органларини ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида қонун ижодкорлиги борасида бошқа давлат органлари ва муассасалар билан ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосини ҳам белгилаб беради.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 23 июлдаги “Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари

ишларини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 226-сон Қарори ва у билан тасдиқланган Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш тўғрисидаги низом.

Ушбу низом адлия органларининг адлия органлари томонидан ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида бошқа давлат органлари ва муассасалар билан ҳамкорлигининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини белгилаб беради.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 23 июлдаги “Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари томонидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишининг ҳолатини ўрганиш бўйича идоралараро ишчи гуруҳи тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 227-сон қарори ва у билан тасдиқланган Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари томонидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишининг ҳолатини ўрганиш бўйича Идоралараро ишчи гуруҳи тўғрисидаги низом.

Мазкур низом адлия органлари томонидан ёшларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиниши таъминлаш соҳасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида ҳамкорликни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини тартибга солади.

II БОБ. Адлия органлари томонидан ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатларини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари

2.1. Адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги қонун ижодкорлиги ва дастурларни ишлаб чиқиш ва ижро этишдаги иштироки

Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунининг 16-моддасига мувофиқ адлия органлари ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида ва ушбу соҳадаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади¹.

Адлия органларининг қонун ижодкорлиги соҳасидаги ваколатларини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари бир қатор қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган.

Адлия органлари ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирокини уч йўналишда кўриб чиқиш мумкин.

Биринчи йўналиш адлия органлари томонидан ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича қонун ижодкорлиги борасида олиб борадиган фаолиятдир.

Ушбу фаолиятнинг ҳуқуқий асосини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1602-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида низомнинг 8.1-бандининг а) кичик бандига кўра адлия органлари давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норма ижодкорлиги масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштиради ва уларга услубий раҳбарликни амалга оширади; норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштиришнинг устувор

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати”ги қонуни // http://www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact_id=3026246.

йўналишлари бўйича таклифлар ишлаб чиқади, уларнинг амалга оширилишини таъминлайди; Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари бўйича ва ўз ташаббусига кўра қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ва уларни кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда киритади¹.

Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунининг 17-моддасига мувофиқ адлия органлари ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзидан таклиф ва тавсияларни ўз ичига олувчи қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш фаолиятини режалаштириш орқали ёки режалаштиришсиз амалга ошириши мумкин.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 августдаги “Қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш бўйича дастурларини тайёрлаш ва қабул қилиш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторинги тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 227-сон қарори билан тасдиқланган “Қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш бўйича дастурларини тайёрлаш ва қабул қилиш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторинги тартиби тўғрисида”ги низомнинг г) бандига мувофиқ қонун лойиҳаларига доир ишлар дастурлари манфаатдор давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг таклифлари асосида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилиши ва Вазирлар Маҳкамасига киритилиши белгилаб қўйилган².

Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунининг 18-моддасига мувофиқ адлия органлари

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 329-модда

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 42-сон, 484-модда

томонидан ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади. Жумладан, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш:

лойиҳани тайёрлаш тўғрисидаги таклифни кўриб чиқиш ва уни тайёрлаш ҳақида қарор қабул қилишни;

лойиҳа тайёрлашни ташкилий-техникавий ва молиявий жиҳатдан таъминлашни;

зарур материаллар ва ахборот тўплашни;

лойиҳанинг концепцияси баён қилинган тушунтириш хатини ишлаб чиқишни;

лойиҳани тузишни;

ҳуқуқий ва бошқа зарур экспертиза ўтказишни ўз ичига олади¹.

Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунининг 19-моддасига биноан адлия органлари томонидан ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашни ташкил этиш тартиби белгиланган. Унга кўра норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш учун лойиҳани ишлаб чиқаётган ташкилот томонидан ишчи гуруҳ (комиссия) тузилиши мумкин. Ишчи гуруҳ (комиссия) таркибига ишлаб чиқувчининг тегишли бўлинмаларининг, тегишли тармоқлар ҳолати ва ривожланиши учун масъул бўлган вазирликларнинг, давлат қўмиталарининг ёки идораларнинг, бошқа манфаатдор давлат органларининг, илмий ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек фуқаролар киритилиши мумкин. Бунда нодавлат ташкилотлар вакиллари, шунингдек фуқаролар ўз розилиги билан ишчи гуруҳ (комиссия) таркибига киритилади.

Ишчи гуруҳ (комиссия) аъзолари норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш учун зарур бўлган тегишли билим ва тажрибага эга бўлиши керак.

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон, 583-модда

Ишлаб чиқувчи ишчи гуруҳнинг (комиссиянинг) фаолиятини таъминлаш учун давлат органларидан ва ўзга ташкилотлардан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш учун зарур бўлган материалларни, статистика маълумотларини ва бошқа маълумотларни олишга, лойиҳа юзасидан илмий ва бошқа ташкилотларнинг, олимлар ва мутахассисларнинг маслаҳатлари ҳамда тавсияларини, шунингдек экспертлар хулосаларини олишга ҳақлидир¹.

Ўзбекистон Республикасининг “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги Қонунида ҳам қонун лойиҳаларини тайёрлашда адлия органлари ваколатлари белгилаб қўйилган. Жумладан, ушбу қонуннинг 7-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш соҳасидаги ваколатлари берилган. Ушбу моддага кўра адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш соҳасидаги фаолиятининг биринчи йўналишига тааллуқли ваколатларини келтириб ўтиш мумкин:

1) қонун ижодкорлиги масалаларида давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради ҳамда мазкур фаолиятга услубий жиҳатдан раҳбарлик қилади;

2) қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқнинг қўлланилиш амалиёти соҳасида ягона давлат сиёсати олиб борилишини таъминлайди;

3) қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқади, уларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

4) Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириқларига биноан ва ўз ташаббуси билан қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ҳамда кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда киритади².

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон, 583-модда

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 41-сон, 406-модда

Шунингдек, ушбу қонунда ҳам Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунида белгиланган қонун лойиҳасини тайёрлаш тартиби ва жараёни белгилаб қўйилган.

Умуман олганда, адлия органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги соҳасидаги фаолиятини биргина 2016 йил мисолида қаралганда, бу даврда адлия органлари томонидан 75 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат, шу жумладан 14 та қонун, 12 та Президент ҳужжатлари ва 31 та Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатлари лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Ҳукуматга киритилган. 2.575 та қонун ҳужжати лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди. 309 та идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар давлат рўйхатига олинган¹.

Иккинчи йўналиш адлия органлари томонидан ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида қонун ижодкорлиги борасида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича ишини мувофиқлаштириш фаолиятдир.

Ушбу фаолиятнинг ҳуқуқий асосини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1602-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида низомнинг 8.1-бандининг а) кичик бандига кўра давлат бошқаруви органлари томонидан қонун лойиҳаларини тайёрлашнинг зарурлиги масалалари бўйича олдиндан келишишни амалга оширади².

Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунининг 19-моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти

¹ <http://www.minjust.uz/uz/activity/review/>

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 329-модда

органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича ишини мувофиқлаштириш амалга оширилади¹.

Адлия органларининг бу борадаги ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш масалалари бўйича таклифларини кўриб чиқади ва умумлаштиради².

Учинчи йўналиш адлия органлари томонидан ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида қонун ижодкорлиги борасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини таҳлил қилиш, экспертиза қилиш ва амалдаги қонун ҳужжатларни таҳлил қилиш фаолиятларини ўз ичига олади.

Ушбу фаолиятнинг ҳуқуқий асосини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1602-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида низомнинг 8.1-бандининг а) кичик бандига мувофиқ қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини уларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонун ҳужжатларига, мамлакатда олиб борилаётган ислохотларнинг мақсад ва вазифаларига, шунингдек қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлигини аниқлаш юзасидан таҳлил қилади ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказди; қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини уларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида коррупциянинг келиб чиқишига, бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилишига шароит яратиб берадиган, шунингдек тадбиркорлик субъектлари учун ортиқча маъмурий ва бошқа чекловларни жорий қиладиган қоида ва нормаларни, тадбиркорлик

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон, 583-модда

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 41-сон, 406-модда

субъектларида асосиз харажатларни вужудга келтирувчи қоидаларни аниқлаш юзасидан таҳлил қилади; давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмаларининг норма ижодкорлиги фаолиятини мониторинг ва таҳлил қилишни амалга оширади; қонун ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқлаштириш, ҳуқуқий тартибга солишнинг тизимлилиги ва яхлитлигини таъминлаш, қонунчиликдаги «оқ доғлар»ни бартараф қилиш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқади, қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир таклифларни таҳлил қилади ва умумлаштиради ҳамда уларни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига тақдим қилади, қонун ҳужжатларини кодекслаштириш бўйича ишларни олиб боради; давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бўйича услубий кўрсатмаларни тасдиқлайди¹.

Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунининг 21-моддасига мувофиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги Қонунининг 24-моддасига мувофиқ ҳуқуқий экспертиза ўтказилаётганда қонун лойиҳаси нормаларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги, шунингдек ҳавола қилувчи нормалар қўлланилишининг асослилиги ва мақсадга мувофиқлиги текширилади².

Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунининг 22-моддасига мувофиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг ҳуқуқий экспертизаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 329-модда

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 41-сон, 406-модда

лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизаси ишлаб чиқувчининг ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи органнинг юридик хизмати, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа ташкилотлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ ўтказилиши мумкин. Бунда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизасини бошқа турдаги экспертизалар ўтказилганидан кейин амалга оширади.

Ҳуқуқий экспертиза давомида норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, унга нисбатан юқори юридик кучга эга бўлган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги, шунингдек ҳавола қилувчи нормалар қўлланилишининг асослилиги ҳамда мақсадга мувофиқлиги текширилади¹.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 17 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қонун лойиҳаларига доир фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 345-сон қарори билан тасдиқланган Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қонун лойиҳаларига доир фаолиятининг намунавий регламентида қонун лойиҳасини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига киритишда юридик хизматнинг ҳуқуқий хулосаси унга мажбурий тартибда илова қилиниши белгиланган.

Мазкур намунавий регламент Қонун лойиҳаларига доир ишлар дастурлари манфаатдор давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг таклифлари асосида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон, 583-модда

2.2. Адлия органларининг ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш соҳасидаги иштироки

Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунининг 16-моддасига мувофиқ адлия органлари ёшларга оид давлат сиёсати соҳасининг асосий йўналишларидан бири бўлган ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир фаолиятни амалга оширади ҳамда мувофиқлаштиради¹.

Адлия органларининг ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир фаолиятни амалга ошириш ҳамда мувофиқлаштириш борасидаги ваколатининг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари бир қатор қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган.

Адлия органларининг бу борадаги ваколатини икки йўналишда амалга оширади. Жумладан, биринчи йўналиш ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир фаолиятни амалга оширишдан иборат бўлиб, ушбу фаолиятнинг ҳуқуқий асосини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1602-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида низомнинг 8.4-бандининг мувофиқ фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини ошириш, аҳолида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат руҳини, қонунга итоаткорликни шакллантириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқади².

Бундай чора-тадбирлар Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари ташаббуси билан бошқа давлат органлари жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлар (Камолот ЁТХ) ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда ОАВлар билан ҳамкорликда олдин ишлаб чиқилган дастур ва режалар

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати”ги қонуни // http://www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact_id=3026246.

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 329-модда

асосида муайян янги қабул қилинган қонун ҳужжатларини мазмун-моҳиятини аҳолига жумладан, ёшларга етказишга қаратилган учрашувлар, давра суҳбатлари, йиғилишлар, теледастурлар ва радио эшиттиришлар шаклида амалга оширилади.

Жумладан, 2017 йил 23 март куни Андижон вилояти адлия бошқармасининг ташаббуси билан Қишлоқ хўжалик институти қошидаги 2-академик лицейда “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуннинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка айниқса ёшларга етказиш, шунингдек, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш мақсадида “Ҳуқуқий тарғибот – жамият тараққиётининг муҳим омили” мавзусида амалий семинар ташкил этилди. Тадбирда вилоят адлия бошқармаси, туман прокуратураси, давлат нотариал идораси, имом ҳатиби, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши, оммавий ахборот воситалари ҳодимлари ҳамда лицей ўқитувчи ва ўқувчи ёшлар иштирок этди¹.

Давлат органлари ва жамоат бирлашмалари томонидан ҳуқуқий тарғибот ишларини бирхиллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат буйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш буйича Идоралараро кенгаш томонидан 2013 йил 14 январлаги 2-сон қарори қабул қилинган бўлиб, ушбу қарор билан давлат органлари ва жамоат бирлашмалари томонидан конференция, семинар, давра суҳбатларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича услубий қўлланма тасдиқланган.

Ушбу услубий қўлланма давлат органлари, жамоат бирлашмалари, шунингдек фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари томонидан ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш юзасидан ўтказиладиган конференция, семинар ва давра суҳбатларини юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш бўйича намунавий характерга эга бўлган тавсиялардан иборат.

Давлат органлари, жамоат бирлашмалари томонидан конференция, семинар ва давра суҳбатлари қуйидаги мақсадларда ўтказилади:

¹ <http://andijon.adliya.uz/main/uz/news/>

қонун ижодкорлигини такомиллаштириш масалалари юзасидан мутахассислар, олимлар, шунингдек амалиёт ходимларининг таклифлари, фикр ва мулоҳазаларни умумлаштириш;

қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасидаги хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ҳамда чет эллик экспертлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар жараёнлари ҳамда уларнинг натижаларидан хабардор қилиш;

давлат органлари, жамоат бирлашмалари ходимларининг назарий билим савияси ва амалий иш тажрибаси ҳамда кўникмасини ошириш;

фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш ҳамда жамиятда қонун устуворлиги принципини қарор топтиришни таъминлаш;

давлат органлари, жамоат бирлашмалари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир масалаларни кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа вазифаларнинг амалга оширилишини таъминлаш.

Шунингдек, ушбу услубий қўлланма давлат органлари, жамоат бирлашмалари томонидан ўтказиладиган ҳуқуқий тарғибот тадбирлари қўйилган мақсад ва вазифаларга қараб конференция, семинар, давра суҳбати шаклида ўтказилиши ва ушбу тадбирларни неча киши иштирокида ташкил этилиши, ушбу тадбирларни ўтказишга тайёргарлик қўриш, ўтказиш тартиби ҳамда ушбу тадбирларнинг якуни чиқариш тавсия қилинган.

Адлия органларининг ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш соҳасидаги ваколатининг иккинчи йўналиши ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир фаолиятни мувофиқлаштириш фаолияти ташкил этади.

Ушбу фаолиятни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1602-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида низомнинг 8.5-бандига мувофиқ амага оширади. Мазкур бандга мувофиқ

адлия органлари давлат органлари, жамоат ташкилотларининг ҳуқуқий тарғибот бўйича ишларини самарали мувофиқлаштириш соҳасида қуйидаги функция ва ваколатларни амалга оширади:

ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълимнинг аҳволини таҳлил қилади, уларни яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни ошириш ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий билимларнинг аҳоли ўртасида тарғиб қилинишини ташкил этади;

ҳуқуқ соҳасидаги таълим ишларининг услубий жиҳатдан таъминланишини ташкил этади, ҳуқуқий тарбия ва таълимнинг замонавий шаклларини жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади;

олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг талабалари ва ўқувчилари учун юридик дарсликлар, ўқув қўлланмалари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламлари, шунингдек бошқа юридик адабиётлар нашр этиш режаларини ишлаб чиқади ва нашр этилишини ташкил этади;

жамиятни ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича дастурлар ва тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

адлия органлари ва муассасалари учун ҳуқуқий ахборотни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилишнинг дастурий-техник воситалари ва технологиялари жорий этилишини ташкил қилади;

адлия органлари ва муассасаларини зарур қонунчилик материаллари билан таъминлаш чораларини кўради;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасини яратиш ва сақлашни ташкил қилади, юридик ва жисмоний шахсларнинг ундан белгиланган тартибда фойдаланишини таъминлайди;

давлатлараро ҳуқуқий ахборотлар алмашишни амалга оширади;

кодекслар ва қонун ҳужжатлари тўпламларининг, шу жумладан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилишнинг расмий манбаи ҳисобланган «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»,

шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда «Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами»нинг расмий нашр этилишини ташкил этади;

тегишли давлат бошқаруви органлари билан биргаликда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш ва тарқатиш, қонун ҳужжатлари маълумотларининг электрон базасини яратиш қоидаларини белгилайди, уларнинг ижро этилишини таъминлаш чора-тадбирларини кўради¹.

Шунингдек, адлия органларининг ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир фаолиятни мувофиқлаштириш фаолиятининг ҳуқуқий асоси сифатида қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни келтириб ўтиш мумкин:

1) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 23 июлдаги “Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 226-сон Қарори

2) Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш Регламенти

3) Давлат органлари ва жамоат бирлашмалари томонидан конференция, семинар, давра суҳбатларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича Услубий қўлланма².

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 23 июлдаги “Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 226-сон Қарорига мувофиқ Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш тўғрисидаги низом тасдиқланган.

Мазкур низомнинг 8-бандига мувофиқ Идоралараро кенгашга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири раҳбарлик қилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 329-модда

² <http://www.minjust.uz/uz/activity/council/>

Идоралараро кенгаш Ўзбекистон Республикасида давлат органлари, шунингдек жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқий тарғибот ва маърифат соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб боровчи коллегиял орган ҳисобланади.

Идоралараро кенгашнинг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади: давлат органлари, жамоат бирлашмаларининг жамиятда аҳолининг ҳуқуқий онгини, ҳуқуқий маданиятни оширишга ва қонунийликни мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот ва маърифат соҳасидаги ишларини мувофиқлаштириш;

ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш сифатини яхшилаш, шунингдек таълим муассасалари ўқувчи ва талабаларининг ҳуқуқий билим даражасини ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва киритиш;

аҳоли билан ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича ишларни амалга оширишда оммавий ахборот воситалари, шу жумладан босма ва электрон оммавий ахборот воситалари, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш, ушбу ишга фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни қабул қилиш¹.

Адлия вазирлиги Идоралараро кенгашга раҳбарлик қилишда қуйидаги ваколатларни амалга оширади:

Идоралараро кенгаш мажлислари кун тартибини белгилаш ва мажлисларини чақиртириш;

Идоралараро кенгаш томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши юзасидан назоратни ташкил қилиш;

Идоралараро кенгаш аъзоларининг зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш бўйича ишларини мувофиқлаштириш;

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 30-сон, 349-модда

Идоралараро кенгашнинг самарали ишлаштини таъминлаш бўйича бошқа ваколатларни амалга оширади¹.

Идоралараро кенгашнинг 2012 йил 23 августдаги 1-сон қарори билан Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро кенгашнинг регламенти тасдиқланган. Ушбу регламент мазкур кенгашнинг ваколатларини амалга ошириш юзасидан унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

Идоралараро кенгашнинг иши тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан келиб чиқувчи вазифалар асосида шакллантирилган ва тасдиқланган иш режага мувофиқ олиб борилади.

Идоралараро кенгашнинг иш режаси:

Идоралараро кенгаш мажлисларини ўтказишнинг календарь режасини;

Идоралараро кенгашнинг асосий вазифалари ва функциялари бажарилиши каби масалаларни уз ичига олади.

Идоралараро кенгашнинг иш режаси қуйидаги талаблардан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади:

ҳуқуқий тарғибот ва маърифат, шунингдек умумтаълим фаолияти бўйича ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларни давлат органлари, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари, таълим муассасаларидан белгиланган тартибда талаб қилиб олиш;

давлат органлари ва таълим муассасалари томонидан ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий маърифат бўйича олиб борилаётган ишларни ўрганиш, шунингдек уларнинг ушбу йуналишдаги фаолиятини такомиллаштириш бўйича тавсиялар тайёрлаш;

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ҳуқуқий тарғиботни амалга оширишни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 30-сон, 349-модда

хуқуқий тарғибот ишларини амалга ошириш учун давлат органлари, жамоат бирлашмалари, фуқаролик жамияти институтларини, шунингдек, мутахассислар, олимлар ва фуқароларни жалб қилиш;

давлат органларининг хуқуқий тарғибот ва маърифат ишларини олиб боришга доир иш режалари, чора-тадбирлар режалари ҳамда дастурларини ва бошқа ҳужжатларни ўрганиш, уларни қайта кўриб чиқиш бўйича тавсиялар бериш.

Идоралараро кенгаш иш режасини тайёрлаш, шунингдек уларнинг бажарилишини назорат қилиш Идоралараро кенгашнинг ишчи органи томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Идоралараро кенгашнинг иш режаси Идоралараро кенгаш қарори билан тасдиқланади¹.

Идоралараро кенгаш фаолиятини мажлислар шаклида амалга оширади. Идоралараро кенгашнинг мажлислари заруриятга кўра, лекин йилида камида икки марта ўтказилади. Идоралараро кенгаш раиси томонидан унинг аъзоларининг навбатдан ташқари мажлис ўтказиш бўйича сабаб ва асослари баён қилинган ёзма илтимосномасига асосан навбатдан ташқари мажлис чақирилиши мумкин. Идоралараро кенгаш мажлисида кўриб чиқиладиган масалаларнинг моҳияти ва аҳамиятига кўра давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар раҳбарлари ва мутахассислари жалб этилиши мумкин.

Идоралараро кенгаш қарорлари унинг мажлисларида муҳокама этиш давомида билдирилган таклиф, тавсия ва мулоҳазалар инобатга олинган ҳолда ишлаб чиқилади. Идоралараро кенгаш қарорларини тасдиқлаш, уни Идоралараро кенгаши аъзолари ва манфаатдор идораларга юбориш мазкур Регламентнинг 31-бандига мувофиқ амалга оширилади. Жумладан, мажлис протоколи Идоралараро кенгашнинг котиби томонидан уч кун муддатда расмийлаштирилиб, имзоланади ва кенгаш аъзоларининг визалари олиниб, Идоралараро кенгаш раиси томонидан тасдиқланади. Кенгаш қарорлари бир

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 30-сон, 349-модда

хафталик муддатда Идоралараро кенгаш аъзоларига ва манфаатдор идораларга юборилади.

Идоралараро кенгаш қарорлари, шу ҳужжатларда бошқа муддатлар белгиланмаган бўлса, имзоланган вақтидан бошлаб кучга киради.

Заруратга қараб Идоралараро кенгаш қарорлари оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши мумкин.

Идоралараро кенгаш қарорларининг бажарилншинн ташкил этиш Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 мартдаги “Ўзбекистан Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида”ги 140-сон қарорида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Идоралараро кенгаш қарорлари ва топшириқлари давлат органлари, шунингдек жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари томонидан, агар шу ҳужжатларда бошқача муддат белгиланмаган бўлса, ҳужжат юборилган кундан бошлаб 10 кунлик муддатда бажарилиши мажбурий.

Идоралараро кенгаш қарорларининг ижро муддатлари фақат Идоралараро кенгаш раиси томонидан узайтирилиши мумкин.

2.3. Адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлиги

Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунининг 16-моддасига мувофиқ адлия органлари ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилади¹.

Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунининг 9-моддасига мувофиқ ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари, давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари, маданият ва спорт ишлари бўйича органлар, меҳнат органлари, прокуратура органлари, ички ишлар органлари, муҳофаза ишлари бўйича органлар иштирок этиши белгилаб қўйилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1602-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида низомнинг 5-бандида ҳам адлия органлари ўз фаолиятини бошқа давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмалари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга ошириши белгиланган².

Адлия органлари Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунининг 16-моддасида белгилаб қўйилган ваколатларини амалга ошириш жараёнида юқорида номлари келтирилган давлат органлари ва муассасалар билан ҳамкорликни амалга оширади. Шунга асосан, адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати”ги қонуни // http://www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact_id=3026246.

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 329-модда

чиқаришда жараёнидаги иштирокининг хусусиятидан келиб чиқиб, адлия органларининг ҳамкорлик фаолиятини қуйидаги бир неча йўналишларга ажратиш келтириш мумкин.

Биринчи йўналишни адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида давлат органлари ва муассасалар билан ҳамкорлиги ташкил этади.

Ушбу ҳамкорликни адлия органлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1602-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида низомнинг 8.1-бандининг а) кичик бандида белгилаб қўйилган вазифа ва функцияларни амалга ошириш мақсадида жумладан, адлия органлари давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норма ижодкорлиги масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга услубий раҳбарликни амалга ошириш; норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, уларнинг амалга оширилишини таъминлаш; Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари бўйича ва ўз ташаббусига кўра қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларни кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда киритиш кабиларни бажариш жараёнида амалга оширади¹.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунининг 19-моддасига биноан адлия органлари томонидан ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашни жараёнида адлия органлари томонидан тузилган ишчи гуруҳ (комиссия) таркибига ишлаб чиқувчининг тегишли бўлинмаларининг, тегишли тармоқлар ҳолати ва ривожланиши учун масъул бўлган вазирликларнинг, давлат кўмиталарининг ёки идораларнинг, бошқа

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 329-модда

манфаатдор давлат органларининг, илмий ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек фуқаролар киритилиши мумкин. Бунда нодавлат ташкилотлар вакиллари, шунингдек фуқаролар ўз розилиги билан ишчи гуруҳ (комиссия) таркибига киритилади.

Шунингдек, адлия органлари ишчи гуруҳнинг (комиссиянинг) фаолиятини таъминлаш учун давлат органларидан ва ўзга ташкилотлардан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш учун зарур бўлган материалларни, статистика маълумотларини ва бошқа маълумотларни олишга, лойиҳа юзасидан илмий ва бошқа ташкилотларнинг, олимлар ва мутахассисларнинг маслаҳатлари ҳамда тавсияларини, шунингдек экспертлар хулосаларини олади¹.

Бундат ташқари, Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунининг 19-моддасига мувофиқ адлия органлари ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида қонун ижодкорлиги борасида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича ишини мувофиқлаштириш жараёнида ҳам давлат органлари билан ҳамкорлик фаолиятини амалга оширади.

Ушбу ҳамкорлик адлия органлари томонидан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш масалалари бўйича таклифларини кўриб чиқиш ва умумлаштиришда ифодаланади.

Адлия органлари ҳуқуқ ижодкорлиги соҳасида давлат бошқаруви органлари томонидан ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини уларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонун ҳужжатларига, мамлакатда олиб борилаётган ислохотларнинг мақсад ва вазифаларига, шунингдек қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлигини аниқлаш юзасидан таҳлил қилиш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш; норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини уларда давлат

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон, 583-модда

хокимияти ва бошқаруви органлари тизимида коррупциянинг келиб чиқишига, бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилишига шароит яратиб берадиган қоида ва нормаларни аниқлаш юзасидан таҳлил қилиш; давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмаларининг норма ижодкорлиги фаолиятини мониторинг ва таҳлил қилишни амалга ошириш; қонун ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқлаштириш, ҳуқуқий тартибга солишнинг тизимлилиги ва яхлитлигини таъминлаш, қонунчиликдаги «оқ доғлар»ни бартараф қилиш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқиш, қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир таклифларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш фаолиятида давлат органлари билан ҳамкорликни амалга оширади.

Иккинчи йўналишни адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш фаолиятида давлат органлари ва муассасалар билан ҳамкорлиги ташкил этади.

Биринчидан, адлия органлари ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир фаолиятни амалга ошириш жараёнида давлат органлари ва муассасалар билан ҳамкорлик қилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1602-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида низомнинг 8.4-бандининг мувофиқ фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини ошириш, аҳолида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат руҳини, қонунга итоаткорликни шакллантириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқади¹. Мазкур чора-тадбирлар доирасида адлия органлари турли дастурлар ва режалар ишлаб чиқиш ва бажариш жараёнида бошқа давлат органлари ва муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 329-модда

Жумладан, адлия органлари бошқа давлат органлари ва муассасалар билан ҳамкорликда 2016 йил давомида аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш бўйича 71 мингдан ортиқ тарғибот тадбирлари ўтказилган. Ҳуқуқий тарғибот тадбирларининг таъсирчанлигини ошириш мақсадида оммавий ахборот воситалари ҳамкорликда уларнинг имкониятларидан самарали фойдаланилган¹.

Бунга мисол тариқасида, 2017 йил март ойида Тошкент шаҳар адлия бошқармаси Тошкент шаҳар прокуратураси, Ички ишлар Бош бошқармаси, Адвокатлар палатаси билан ҳамкорликда 1961 йил, БМТ нинг Наркотик моддалар тўғрисидаги ягона конвенцияси, 1988 йилда БМТнинг наркотик ва психотроп моддаларининг ноқонуний айланишига қарши кураш тўғрисидаги Конвенцияси, 2000 йил, БМТ нинг трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисидаги Конвенцияси мазмун-моҳиятини ҳамда гиёҳвандликнинг салбий таъсирини ёшларга тушунтириш юзасидан жорий йилнинг Тошкент Ирригация ва мелиорация институтида ўтказилган семинарни келтириб ўтиш мумкин².

Иккинчидан, адлия органлари ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир фаолиятни мувофиқлаштириш борасида давлат органлари ва муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

Ушбу ҳамкорликни адлия органлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1602-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида низомнинг 8.5-бандида белгиланган вазифа ва функцияларни бажариш мақсадида амалга оширади.

Жумладан, бу борадаги ҳамкорлик ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълимнинг аҳолини таҳлил қилиш, уларни яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш; жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни ошириш ва

¹ <http://www.minjust.uz/uz/activity/review/> 2016 йил давомида Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотнома

² <http://www.minjust.uz/uz/press/news/2017/03/10730/>

қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий билимларнинг аҳоли ўртасида тарғиб қилинишини ташкил этиш; ҳуқуқ соҳасидаги таълим ишларининг услубий жиҳатдан таъминланишини ташкил этиш, ҳуқуқий тарбия ва таълимнинг замонавий шакллари жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш; олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг талабалари ва ўқувчилари учун юридик дарсликлар, ўқув қўлланмалари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламлари, шунингдек бошқа юридик адабиётлар нашр этиш режаларини ишлаб чиқиш ва нашр этилишини ташкил этиш; жамиятни ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича дастурлар ва тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; адлия органлари ва муассасалари учун ҳуқуқий ахборотни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилишнинг дастурий-техник воситалари ва технологиялари жорий этилишини ташкил қилиш; адлия органлари ва муассасаларини зарур қонунчилик материаллари билан таъминлаш чораларини кўриш; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасини яратиш ва сақлашни ташкил қилади, юридик ва жисмоний шахсларнинг ундан белгиланган тартибда фойдаланишини таъминлаш; давлатлараро ҳуқуқий ахборотлар алмашишни амалга ошириш; тегишли давлат бошқаруви органлари билан биргаликда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш ва тарқатиш, қонун ҳужжатлари маълумотларининг электрон базасини яратиш қоидаларини белгилаш, уларнинг ижро этилишини таъминлаш чора-тадбирларини кўришда ифодаланади¹.

Бу бордаги ҳамкорлик Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш томонидан амалга оширилади. Идоралараро кенгаш бошқа давлат органлари ва муассасалари билан қуйидаги йўналишларда ҳамкорликни амалга оширади:

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 329-модда

давлат органлари, жамоат бирлашмаларининг жамиятда аҳолининг ҳуқуқий онгини, ҳуқуқий маданиятни оширишга ва қонунийликни мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот ва маърифат соҳасидаги ишларини мувофиқлаштириш;

ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш сифатини яхшилаш, шунингдек таълим муассасалари ўқувчи ва талабаларининг ҳуқуқий билим даражасини ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва киритиш;

аҳоли билан ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича ишларни амалга оширишда оммавий ахборот воситалари, шу жумладан босма ва электрон оммавий ахборот воситалари, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш, ушбу ишга фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни қабул қилиш¹.

Идоралараро кенгашнинг бу бордаги фаолияти мазкур кенгашнинг 2012 йил 23 августдаги 1-сон қарори билан Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро кенгашнинг регламенти билан тартибга солинади.

Бундан ташқари, адлия органлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг инсон ҳуқуқларини жумладан, ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича фаолиятини самарали мувофиқлаштириш ҳамда уларнинг ушбу соҳада фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликни амалга оширади.

Ушбу фаолият Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари томонидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиниши аҳволини ўрганиш бўйича Идоралараро ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилади.

Идоралараро ишчи гуруҳига Ўзбекистон Республикаси адлия вазири раҳбарлик қилади, унинг ваколатига қуйидагилар киради:

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 30-сон, 349-модда

Идоралараро ишчи гуруҳи мажлислари кун тартибини белгилаш ва мажлисларини чақириш;

Идоралараро ишчи гуруҳи томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши юзасидан назоратни ташкил қилиш;

Идоралараро ишчи гуруҳи аъзоларининг Ишчи гуруҳ зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш бўйича ишларини мувофиқлаштириш;

Идоралараро ишчи гуруҳи фаолиятини самарали ишлашини таъминлаш бўйича бошқа ишларни амалга ошириш¹.

Идоралараро ишчи гуруҳи инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши билан боғлиқ масалаларни ўрганишни ва умумлаштиришни амалга оширувчи идоралараро коллегиял орган, шунингдек инсон ҳуқуқлари соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқишда ҳамкорлик ва ягона ёндашувни ташкил этишни мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади.

Идоралараро ишчи гуруҳи ҳамкорлик фаолиятини куйидиги йўналишларда амалга оширади:

а) инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши билан боғлиқ масалаларни ўрганиш ва умумлаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилиши, шунингдек қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз инсон кадр-қимматини камситувчи муомала турларини қўллашга доир мурожаатларини кўриб чиқилиши ва ҳал этилишини мониторинг қилиш соҳасидаги ҳамкорлик.

б) инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш бўйича зарур чора-тадбирлар белгилаш тўғрисида таклифлар киритиш соҳасида ҳамкорлик.

в) инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида қонунчиликни такомиллаштириш, шунингдек БМТнинг асосий Конвенцияларини миллий қонунчиликка ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига имплементация қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш соҳасида ҳамкорлик.

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 30-сон, 349-модда

г) Ўзбекистон Республикасининг тегишли даврий маърузаларини кўриб чиқиш натижаси бўйича БМТ Конвенциявий органларининг якуний тавсиялари ва эътирозларини кўриб чиқиш, шунингдек ушбу якуний тавсия ва эътирозларнинг ижроси бўйича Миллий ҳаракат режаларини тасдиқлаш ва мониторинг қилиш соҳасида ҳамкорлик¹.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси Идоралараро ишчи гуруҳининг ишчи органи ҳисобланади. Идоралараро ишчи гуруҳининг Ишчи органи:

Идоралараро ишчи гуруҳи фаолиятини ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш масалаларини ҳал қилади;

Идоралараро ишчи гуруҳининг иш режаси лойиҳасини тайёрлайди, Идоралараро ишчи гуруҳи муҳокамасига киритади, тасдиқланган иш режасининг бажарилишини таъминлайди;

Идоралараро ишчи гуруҳининг навбатдаги мажлисига барча зарур материалларнинг ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди ва манфаатдор ташкилотлардан зарур материаллар, маълумотлар ва эксперт хулосаларини олади;

Идоралараро ишчи гуруҳи мажлисининг кун тартиби масаласи бўйича таҳлилий материаллар тайёрланишини ва мажлисни ўтказилишини ташкил этади;

келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқади ва Идоралараро ишчи гуруҳи ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарорлар лойиҳаларини тайёрлайди.

Идоралараро ишчи гуруҳи қарори Идоралараро ишчи гуруҳининг мажлисда қатнашаётган аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда Идоралараро ишчи гуруҳи раҳбарининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 30-сон, 349-модда

ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниши мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишни янги босқичга олиб чиқди. Мазкур қонун ёшларга оид давлат сиёсатини руёбга чиқаришда иштирок этувчи давлат органлари ва муассасалар тизими ва уларнинг ушбу соҳадаги ваколатларини аниқ белгилаб берди. Бу эса илмий тадқиқотчилар жумладан, ҳуқуқшунослик соҳасида тадқиқот олиб борувчилар зиммасига мазкур қонунга асосланган ҳолда мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг назарий-ҳуқуқий асосларини бойитиш ва такомиллаштириш, шу билан бир қаторда, мазкур қонун нормаларини самарали ишлаши учун унинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича қонун ҳужжатларига таклифлар ишлаб чиқиш вазифасини юклайди. Ушбу битирув малака иши доирасида мазкур вазифаларни бажаришга қаратилган адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари юзасидан назарий-ҳуқуқий таҳлилга асосланган тадқиқот иши олиб борилди. Ушбу тадқиқотларга асосланиб адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатларининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилди.

Адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари ва унинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларининг илмий-назарий асосларини бойитиш бўйича қуйидаги хулоса ва тавсиялар келтирилади:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуннинг 16-моддасига мувофиқ адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатларининг бошқа давлат органларнинг ваколатларидан кенглиги ва ўзига хослиги хусусиятларига асосланган ҳолда, (адлия органлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади ҳамда

ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир фаолиятни амалга оширади ва мувофиқлаштиради. Ушбу ваколатлар мазкур соҳадаги бошқа давлат органлари ваколатларида учрамайди.) адлия органлари ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи органлар тизимида ўзига хос ва муҳим ўрин тутади.

2. Адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатларига асосланган ҳолда, адлия органларини ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги иштирокининг асосий йўналишларини қуйидагича баён этиш мумкин:

- адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти.

- адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш фаолияти.

- адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик фаолияти.

3. Адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, уларни қуйидаги ики гуруҳга ажратиш мумкин:

Биринчи гуруҳ адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатларининг умумий асосларини белгилаб берувчи қонун ҳужжатлари ташкил этади.

Иккинчи гуруҳ адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатларининг махсус ташкилий-ҳуқуқий асосларини белгилаб берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан иборат.

Адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатларининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1602-сон қарорининг 2-бандида белгиланган Адлия вазирлигининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишларига қуйидаги мазмундаги хат боши билан тўлдириш таклиф этилади:

“ёшларга оид давлат сиёсатини руёбга чиқариш фаолиятида иштирок этиб, ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали таъминлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида ушбу соҳада бошқа давлат органлари ва муассасалар билан ҳамкорликда қонун ижодкорлиги ҳамда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш фаолиятини амалга оширади ва мувофиқлаштиради”.

2. Ёшларга оид давлат сиёсатининг қонунчилик асосларини мунтазам равишда замон талабларига мослаштириб бориш ҳамда ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш ишларини тизимли ва кенг қамровли олиб борилишини таъминлаш мақсадида Адлия вазирлиги ҳузурида мазкур масалалар бўйича идоралараро кенгаш ташкил этиш таклиф этилади. Ушбу Идоралараро кенгашига таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари, давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари, маданият ва спорт ишлари бўйича органлар, меҳнат органлари, прокуратура органлари, ички ишлар органлари, муҳофаза ишлари бўйича органлар киритилади.

3. Ёшларга оид давлат сиёсатининг қонунчилик асослари ҳамда ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш Идоралараро кенгаши вазифалари ва функциялари, фаолиятининг ташкил этиш ва юритиш билан боғлиқ қоидалар ўзида акс этувчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган низом ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

4. Ёшларга оид давлат сиёсатининг қонунчилик асослари ҳамда ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш Идоралараро кенгашининг ишчи органи вазифалари ва функцияларини бажарилишини таъминлаш мақсадида Адлия вазирлиги ташкилий тузилмасида алоҳида янги бошқарма ва унинг ҳудудий бўлинмаларини ташкил этиш таклиф этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

I. Раҳбарий адабиётлар:

1.1. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.

1.2. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.

1.3. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. – Т.: “Ўзбекистон”, 2001. – 432 б.

1.4. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари - олий қадрият. Т.14.-Т.: “Ўзбекистон”, 2006. – 280 б.

1.5. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз демократик ислохотларни чуқирлаштириш ва мадеринизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Т. 20. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. -320 б.

1.6. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг Ислоҳ ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи // <http://uza.uz/oz/>

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

2.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014. – 76 б.

2.2. Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни // www.lex.uz

2.3. Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон, 583-модда

2.4. Ўзбекистон Республикасининг “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 41-сон, 406-модда

2.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1602-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низом

// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 329-модда

2.6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 августдаги “Қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва ўзбекистон республикаси олий мажлисининг қонунчилик палатасига киритиш бўйича дастурларини тайёрлаш ва қабул қилиш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторинги тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 227-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 42-сон, 484-модда

2.7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 23 июлдаги “Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 226-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 30-сон, 349-модда

2.8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 23 июлдаги “Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари томонидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишининг ҳолатини ўрганиш бўйича идоралараро ишчи гуруҳи тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 227-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 30-сон, 350-модда

2.9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 17 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қонун лойиҳаларига доир фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 345-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 42-сон, 484-модда

2.10. Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш томонидан 2013 йил 14 январлагги 2-сон қарори // www.minjust.uz

Ш. ДАРСЛИК ВА ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАР

3.1. Эркин Хожиев, Тўлқин Хожиев. Маъмурий ҳуқуқ: Бакалавриятнинг 5380100 - Юриспруденция йўналиши талабалари учун дарслик / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев. – Т.: 2006. – 800 б.

3.2. Хакимов Г. Маъмурий ҳуқуқ (махсус қисм). – Т.: ТДЮИ, 2005. - 331 б.

3.3. Хожиев Э. “Маъмурий ҳуқуқ” фанидан ўқув-услугий мажмуа. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. – 96 б.

3.4. Erkin Hojiyev, To'qin Hojiyev. Ma'muriy huquq. Darslik. – Т.: “Fan va texnologiya”, 2008. – 608 б.

3.5. Ma'muriy huquq: Darslik / X.T. Odilqoriyev, I.Ismailov, N.T. Ismailov va boshq.; prof. X.T. Odilqoriyev va B.E.Qosimovning umumiy tahriri ostida. – Т.: O'zbekiston Respublikasi IV Akademiyasi, 2010. – 640 б.

3.6. Хван Л.Б. Административное право Республики Узбекистан. Курс лекций. – Т.: – 2010.

3.7. Хамедов И.А., Хван Л.Б., Цай И.М. Административное право Республики Узбекистан. - Т.: Konsauditinform – Nashr – 2012.

3.8.

IV. ДАВРИЙ НАШР ВА ЖУРНАЛЛАР

4.1. Турғунов И. Қонун устуворлигини таъминлаш адлия органларининг бош мақсадидир. // Ҳуқуқ ва бурч журналі 2016 йил, февраль. // <http://huquqburch.uz>

4.2. Миракулов М. Ёшларга оид давлат сиёсати: унинг қонуний асослари янада мустаҳкамланди // Сентябрь, 2016 йил. // <http://huquqburch.uz>

V. ИНТЕРНЕТ САЙТЛАРИ

5.1. <http://www.lex.uz>

5.2. <http://huquqburch.uz>

5.3. <http://uza.uz>

5.4. <http://nimfogo.uz>